

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳўжахонов Исломхўжа Абдуллоҳон ўғли
ЎЗМУ докторанти

Annotation: *This article reveals the problems of developing the legal culture of young people and provides practical suggestions and recommendations.*

Keywords: *Law, legal culture, legal knowledge, legal skills*

Аннотация: *В данной статье раскрываются проблемы развития правовой культуры молодежи и даются практические предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *право, правовая культура, правовые знания, юридические навыки.*

Аннотация: *Ушбу мақолада ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг муаммолари очиб берилган ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Ҳуқуқ, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий кўникма*

Мамлакат ривожланишида ҳуқуқий маданиятни бугунги куннинг талабига мос равишда юксалтириш жамиятдаги инсонларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ҳуқуқий маданияти юксак ривожланган давлатнинг келажаги ҳам равақ топиб боради. Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳуқуқий онг ва маданиятни янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. “Ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражасини, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик даражасини, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражасини тушунамиз”³⁵ – деб таъриф берган А.Саидов. “Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожини ва ҳуқуқий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичидир”³⁶ – дейди Х.Одилқориев. “Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқий онтологиянинг, яъни ҳуқуқ борлигининг ифодаловчи тушунчалардан биридир”³⁷ – деб талқин этади Б.Тўйчиев. Бизнингча ҳуқуқий маданият аҳолининг ҳуқуқдан хабардорлиги ва унга амал қилиши, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим мезони ҳисобланади.

³⁵ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-том. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998, 11-бет.

³⁶ Одилқориев Х., Якубов У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар. –Т.: Гофур Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 55-бет.

³⁷ Тўйчиев Б. Ҳуқуқ фалсафаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020, 121-бет.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир вақтда ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мамлакатимиз олдида турган муҳим масалалардан биридир. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожини, ўсиб келаётган авлоднинг таълим даражасини, ҳуқуқий саводхонлигининг юқориликсига боғлиқдир. Яхши таълим – тарбия олган баркамол авлод ҳеч қандай ҳуқуқбузарликнинг кўчасига кирмайди, унинг ботқоғига ботмайди.

Бу борада давлатимиз томонидан кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4551-сон қарори, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармонида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги кўплаб вазифаларни белгилаб берди.

Лекин, ҳозирда жамиятдаги инсонларнинг ҳуқуқий савиясини етарли эмаслигига, ҳуқуқий таълим ва тарбия доирасида тизимли ва узвий олиб борилмаётганлигидир. Бу ҳақда Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳуқуқий онг ва маданият даражасига алоҳида тўхталиб қўйидаги фикрни яъни “Канаданинг 1 миллиондан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган Калгари шаҳрида жорий йилнинг 10 ойида автоҳалокатлар туфайли 10 нафар шахс нобуд бўлган. Ўзингиз солиштириб кўринг: жами 2 ярим миллиондан зиёд автотранспорт мавжуд бўлган бизнинг юртимизда эса, шу даврда 1 минг 600 дан ортиқ киши автоҳалокат қурбони бўлган. Бу – оғир кулфат, катта йўқотиш эмасми?! Биз йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирдик. Лекин шунинг ўзи билан муаммони тўлиқ ечиш мумкинми? Менимча, йўқ! Бунинг сабаби жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада шаклланмагани билан бевосита боғлиқ. Ёшларда ҳуқуқий жавобгарлик ва ҳуқуқий интизомни юксалтиришимиз даркор. Ёшлар ҳар бир фаолиятига жавоб беришини англамоғи, жавобгарлик ҳисси кундан-кун ривожланиши ҳамда ўзи учун фойдали, зарурий эhtiёжга айланмоғи керак. Ҳуқуқий маданият ахлоқий ва маънавий тамойилларга таянади. Шундай экан ёшларни оила даврасидан бошлаб ҳурмат, ҳар бир фаолияти учун жавобгарлик, тартиб-интизомни шакллантириб, юксалтириб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Биз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни лозим даражада шакллантирмас эканмиз,

ҳуқуқбузарликка чек қўймас эканмиз, қонунни бузиш ҳолатлари давом этаверади”³⁸
деб таъкидлаб ўтди.

Республикамизда 2019 йилда 13-15 ёшар воега етмаганлар ўртасида 129 та жиноят содир этилган, 2020 йилда бу кўрсаткич 188 тага, 16-17 ёшдагилар 2019 йил 689 та, 2020 йилда 1088 тага, 18-24 ёшдагилар 2019 йил 6588 та 2020 йилда 7491 та, 25-30 ёшдагилар 2019 йил 8184 та, 2020 йилда 9464 тага етганини кўришимиз мумкин³⁹. Бунинг жуда кўплаб объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслигига, оиладги тарбия, маҳалланинг фаоллиги, таълим тизимида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, миллий урф-одат ва қадриятларимизни етказиб бера олмаётганимиз бундай ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилаётган ёш авлод вакиллари қўллаб-қуватлаш ўрнига уларга турли ҳил сунъий тўсиқлар қўйиляганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда аввало уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билиб олишлари ҳамда улардан ҳеч қандай тўсиқ ва монеликларсиз тўлиқ ва кенг фойдаланиш имкониятларини амалда таъминланиши фуқаролик жамиятини юксалтиришга сабаб бўлади. Ёшларни жамият талабларига давлатнинг қонун-қоидаларига, миллий урф-одатлар ва қадриятларга чуқур ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ўргатиш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсадларидан биридир. Жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш учун ёшлар тарбиясида ҳуқуқий таълим сифатини янги босқичга кўтариш зарур. Ёшларни тарбиялашда ҳуқуқ назариясини уни ўқитиш метаологиясини ва глобаллашув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш зарур. Таълим муассасалирида ҳуқуқий таълим фанларини мазмунан янгилаш. Олий таълим муассасаларини мутахассислигидан келиб чиқиб ҳуқуқий таълим фанларини мослаштириш. Шу билан бир вақтда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мавзулардаги рунларига эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган ҳуқуқий муоммоларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришлари, ижтимоий тармоқлар орқали етказиб бериш лозим.

Ҳуқуқий тарғибот масаласи бугунги кунда ҳуқуқий маданияти шакиллантиришнинг асосий омили ҳисобланади. “Ҳуқуқий тарғибот-жамият ва давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини, стратегик мақсадини кишиларга, оммага етказишга қаратилган маърифий ва тарғибий усуллар. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳуқуқий тарғибот таъсирчанлиги ва халққа тушунарли эканига боғлиқ. Шунинг учун, ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий жамият назарияси, ҳуқуқ лойиҳаси, ҳуқуқ социологияси

³⁸ <https://uza.uz/uz/posts/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

³⁹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>

каби илм соҳаларининг натижаларига таянади” . Ҳар бир давлатнинг ривожланишининг асосий омилларидан бири бу ҳуқуқий маданият ҳисобланади. Шундай экан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-том. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998, 11-бет
2. Одилқориев Ҳ., Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар. – Т.:2011, 56-бет.
3. Б.Тўйчиев, Ҳуқуқ фалсафаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020, 121-бет.
4. <https://uza.uz/uz>
5. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Тошкент: Адолат, 2009. 654-б.